



## THE WAYS TO ENSURE THE HARMONY OF LEGAL CONSCIOUSNESS AND NATIONAL VALUES IN THE INSTITUTIONS OF FAMILY AND NEIGHBORHOOD

Tashkent Law College lecturer

**Zulfiya Mudarifovna Ibragimova**

**ABSTRACT:** *The article analyzes, from socio-philosophical and pedagogical perspectives, the ways to ensure harmony between legal consciousness and national values within the institutions of the family and the mahalla (local community). Legal consciousness is interpreted as the unity of citizens', especially young people's, awareness of rights and freedoms, duties and responsibilities, their value-based attitude to law, and their actual legal behaviour. National values are described as a system of moral norms, customs, spiritual traditions and symbols transmitted from generation to generation in family and community life. The article substantiates that the family and the mahalla form an interconnected "two-layer educational space" for shaping legal consciousness and preserving national values. Against the background of the digital society, the risks of legal nihilism, formalism and spiritual indifference are discussed. The paper argues for a comprehensive approach based on interactive forms of legal and moral education, cooperation between parents and mahalla activists, and the active participation of youth.*

**Keywords:** *legal consciousness, national values, family institution, mahalla institution, legal education, legal culture, youth.*

### ОИЛА ВА МАҲАЛЛА ИНСТИТУТЛАРИДА ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР УЙЎНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Тошкент шаҳар юридик техникуми ўқитувчиси

**Ибрагимова Зулфия Мударифовна**

**АННОТАЦИЯ:** *Мақолада оила ва маҳалла институтларида ҳуқуқий онг ва миллий қадриятлар уйғунлигини таъминлаш масаласи ижтимоий-фалсафий ва*



*педагогик нуқтаи назардан таҳлил қилинади. Ҳуқуқий онг фуқароларнинг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, бурч ва масъулиятини англаш даражаси, қонунга нисбатан қадриятли муносабати ҳамда ҳуқуқий хулқ-атвори бирлиги сифатида талқин этилади. Миллий қадриятлар эса оила, маҳалла ва жамият ҳаётида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ахлоқий меъёрлар, урф-одатлар, маънавий анъана ва рамзлар тизими сифатида ёритилади. Мақолада оила ва маҳалла ҳуқуқий онгни шакллантириши ва миллий қадриятларни тиклашида ўзига хос “икки бўгинли тарбия макони” экани асослаб берилади. Рақамли жамият шароитида ҳуқуқий нигилизм, формаллик ва маънавий бефарқлик хавфлари кўрсатилиб, ҳуқуқий-маънавий тарғиботнинг интерактив шакллари, ота-оналар ва маҳалла фаоллари ҳамкорлиги, ёшлар иштирокига таянган комплекс ёндашув зарурлиги таъкидланади.*

**Калит сўзлар:** *ҳуқуқий онг, миллий қадриятлар, оила институти, маҳалла институти, ҳуқуқий тарбия, ҳуқуқий маданият, ёшлар.*

## **ПУТИ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ГАРМОНИИ ПРАВОВОГО СОЗНАНИЯ И НАЦИОНАЛЬНЫХ ЦЕННОСТЕЙ В СЕМЬЕ И МАХАЛЛЕ**

Преподаватель юридического техникума города Ташкента

**Ибрагимова Зульфия Мударифовна**

**АННОТАЦИЯ:** *В статье с социально-философских и педагогических позиций рассматриваются пути обеспечения гармонии правового сознания и национальных ценностей в семье и махалле. Правовое сознание трактуется как единство осознания прав и свобод, обязанностей и ответственности, ценностного отношения к закону и правового поведения, особенно среди молодёжи. Национальные ценности описываются как система нравственных норм, обычаев, духовных традиций и символов, передающихся из поколения в поколение в семейной и общинной жизни. Обосновывается, что семья и махалля выступают связанной «двухзвенной воспитательной средой» в формировании правового сознания и сохранении национальных ценностей. На фоне цифрового*



*общества выявляются риски правового нигилизма, формализма и духовного равнодушия. Подчёркивается необходимость комплексного подхода, основанного на интерактивных формах правового и духовно-нравственного просвещения, сотрудничестве родителей и активистов махалли, а также активном участии молодёжи.*

**Ключевые слова:** *правовое сознание, национальные ценности, институт семьи, институт махалли, правовое воспитание, правовая культура, молодёжь.*

Янги Ўзбекистон шароитида ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини қуриш жараёнида ҳуқуқий онг ва миллий қадриятлар масаласи стратегик аҳамият касб этмоқда. Қонунлар тизимининг мукамаллиги, институтлар фаолиятининг модернизацияси зарур шарт бўлсада, етарли эмас; у фуқароларнинг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий онг ва маънавий дунёси билан уйғун бўлган тақдирдагина барқарор натижа беради.

Ҳуқуқий онгнинг ўзаги – шахснинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини, бурч ва масъулиятини билиши, қонунга нисбатан ички ҳурмат ва ишончга эга бўлиши ҳамда бу муносабатни амалий хатти-ҳаракатда намоён эта олиши билан белгиланади. Миллий қадриятлар эса шу ҳуқуқий муносабатнинг маънавий “таянчи” бўлиб, оила ва маҳалла ҳаётида шаклланган урф-одатлар, ахлоқий меъёрлар, анъана ва рамзлар тизимини ўз ичига олади.

Глобаллашув, рақамли технологиялар, ижтимоий тармоқлар босими шароитида ёшлар онгида ҳуқуқий онг ва миллий қадриятлар ўртасида бўлиниш хавфи кучаймоқда: бир томонда замонавий ҳуқуқий институтлар, бошқа томонда эса баъзан нотўғри талқин қилинаётган анъаналар. Шу боис оила ва маҳалла институтларида ҳуқуқий онг ҳамда миллий қадриятлар уйғунлигини таъминлаш долзарб илмий-амалий вазифа сифатида намоён бўлади.

Мазкур мақолада оила ва маҳалла институтларининг маънавий-ҳуқуқий тарбиядаги ўрни таҳлил қилинади, ҳуқуқий онг ва миллий қадриятлар уйғунлигини таъминлашга қаратилган асосий йўллар илмий жиҳатдан



асосланади. Оила – шахнинг илк ижтимоийлашув макони, биринчи тарбия мактаби ва миллий қадриятлар табиий тарзда сингдириладиган муҳитдир. Айнан оилада бола эзгулик ва ёвузлик, ҳалоллик ва ёлғон, адолат ва зулм, ҳурмат ва менсимаслик ўртасидаги чегараларни ҳис эта бошлайди. Шу билан бирга, ота-онанинг қонунларга муносабати, кундалик ҳаётда қабул қиладиган қарорлари бола учун “ҳаётий ҳуқуқий дарслик” вазифасини бажаради.

Оила институтида ҳуқуқий онг ва миллий қадриятлар уйғунлигини таъминлаш куйидаги йўналишлар орқали намоён бўлади: – ҳуқуқий хатти-ҳаракатнинг шахсий намуна орқали кўрсатилиши: ҳужжатларни расмийлаштириш, шартномаларга риоя этиш, навбат, йўл ҳаракати қоидаларига амал қилиш, солиқларни тўлаш каби оддий кўринадиган одатлар болалар тасаввурида “қонун ҳаётий зарурат” деган тушунчани шакллантиради; – анъана ва маросимларнинг ҳуқуқий мазмуни билан уйғунлаштирилиши: никоҳ, мерос, кўни-кўшничилик, меҳмондўстлик билан боғлиқ урф-одатлар замонавий ҳуқуқий меъёрлар (никоҳни расмийлаштириш, болалар ҳуқуқлари, мулк дахлсизлиги ва бошқалар) билан қарама-қарши қўйилмай, балки тўлдирувчи тарзда талқин қилиниши лозим; – оилавий мулоқот маданияти: можароларни куч ишлатиш, ҳақорат, таҳқир эмас, балки суҳбат, маслаҳат, муросага келиш орқали ҳал қилиш – ҳуқуқий онг ва миллий ахлоқий қадриятларнинг энг асосий кесишган нуқталаридан биридир.

Агар оилада “қонунни четлаб ўтиш”, “ҳамма шундай қилади”, “пул бўлса бўлди” каби кайфият ҳукмрон бўлса, бу ёш онгида ҳуқуқий нигилизм ва маънавий бефарқликни кучайтиради. Шу боис ота-оналар учун ҳуқуқий ва маънавий саводхонлик дастурлари, “ота-оналар университети” каби ташаббусларни кучайтириш муҳимдир.

Маҳалла – оила ва кенг ижтимоий макон ўртасидаги кўприк бўлиб, унда миллий анъаналар ва фуқаролик жамияти институтлари унсурлари ўзаро қоришиб кетган. Маҳалла фуқаролар йиғини, кенгаш, посбонлар, оқсоқоллар,



хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси каби субъектлар орқали маҳалла нафақат ижтимоий ёрдам, балки ҳуқуқий профилактика, низоларни бартараф этиш, маънавий-маърифий тарғибот майдонига айланади.

Маҳалла институтида ҳуқуқий онг ва миллий қадриятлар уйғунлигини таъминлашнинг бир қатор йўллари мавжуд: – анъана ва ҳуқуқий меъёрлар асосида низоларни ҳал этиш: кўни-кўшничилик, оилавий можаролар, мулкый низоларни аввало маҳалла даражасида, оқсоқоллар иштирокида суҳбат ва келишув орқали ҳал қилиш, зарур ҳолларда эса расмий ҳуқуқий механизмларга мурожаат этиш фуқароларда “қонун – адолат тимсоли” деган тасаввурни кучайтиради; – маҳалла йиғилишларининг маънавий-ҳуқуқий мазмунини бойитиш: фақат хўжалик ва маиший масалалар билан чекланиб қолмасдан, ёшлар ҳуқуқлари, оила мустаҳкамлиги, болалар меҳнатидан фойдаланиш, хотин-қизлар ҳуқуқлари, экологик масъулият каби долзарб ҳуқуқий мавзуларга бағишланган давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этиш; – маҳалла етакчиларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш: раислар, профилактика инспекторлари, ёшлар етакчилари, хотин-қизлар фаолларининг ҳуқуқий саводхонлиги қанчалик юқори бўлса, улар аҳоли билан мулоқотда миллий қадриятлар ва ҳуқуқий меъёрлар ўртасида шунчалик пухта мувозанатни таъминлай оладилар.

Маҳалла кўп ҳолларда “маънавият ва қадриятлар посбони” сифатида кўрилади. Эндиликда у ҳуқуқий маданият посбони сифатида ҳам фаолият олиб бориши зарур: ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ёшларни расмий ва норасмий ҳуқуқий таълимга жалб қилиш, профилактик ишларни формалликдан холи тарзда олиб бориш шулар жумласидандир.

Ҳуқуқий онг ва миллий қадриятлар уйғунлигини таъминлаш биргина оилага ёки фақат маҳаллага юклаб қўйилмаслиги лозим; бу жараён уларнинг узвий ҳамкорлиги асосида самарали кечади.

Қуйидаги механизмлар бу ҳамкорликни кучайтиришга хизмат қилади:



**Биргаликдаги маънавий-ҳуқуқий тадбирлар:** Маҳалла ташаббуси билан ота-оналар, ўқитувчилар, ёшлар иштирокида “Оила ва қонун”, “Маҳалла ва қонун устуворлиги”, “Миллий қадрият ва ҳуқуқий маданият” каби мавзуларда учрашувлар, уч авлод вакиллари иштирокидаги суҳбатлар ўтказилиши мумкин. Бунда маҳаллий амалий мисоллар, реал ҳаётий ҳолатлар таҳлили ёшлар учун айниқса таъсирчан бўлади.

**Ота-оналар билан тизимли ишлаш:** Оила – маҳалла – мактаб учбурчаги доирасида ота-оналар учун махсус ҳуқуқий-маънавий семинарлар, тренинглар, консултациялар ташкил этиш зарур. Болалар ҳуқуқлари, оилавий можаро профилактикаси, эрта никоҳларнинг олдини олиш, меҳнат миграцияси шароитида фарзанд тарбияси каби мавзулар миллий қадриятлар ва замонавий ҳуқуқий меъёрлар уйғунлигида ёритилиши керак.

**Ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш:** Маҳалла ҳудудида ёшлар клублари, дебат марказлари, ҳуқуқий маслаҳат пунктлари, волонтерлик гуруҳларини шакллантириш ҳуқуқий онгни “юқоридан туширилган маълумот”дан шахсий тажрибага айлантиришга ёрдам беради. Масалан, ёшлар томонидан ташкиллаштирилган “Ҳуқуқ ва қадрият ҳафталиги”, ҳуқуқий флайерлар, видеороликлар, маҳалла миқёсида ижтимоий лойиҳалар ўзларини жамият субъекти сифатида ҳис қилишларига хизмат қилади.

**Маҳаллий оммавий ахборот воситалари ва рақамли платформалардан фойдаланиш:** Маҳалла саҳифалари, Телеграм каналлари, ижтимоий тармоқлардаги гуруҳлар орқали миллий қадриятлар ва ҳуқуқий маданиятни тарғиб қилувчи қисқа видеолар, инфографикалар, савол-жавоб рукнлари юритиш мумкин. Энг муҳим жиҳат – расмий тил эмас, ёшлар тили, содда ва ҳаётий мисоллар билан бойитилган контент яратишдир.

Рақамли жамият ва глобаллашув фонида ҳуқуқий онг ва миллий қадриятлар уйғунлигини таъминлаш жараёнида бир қатор муаммолар юзага келмоқда:



– ҳуқуқий ахборотнинг парокандалиги: интернетда турли сифатдаги, баъзан қарама қарши ҳуқуқий изоҳлар, аноним шарҳлар ёшларнинг онгида чалкашлик туғдириши мумкин;

– оммавий маданиятнинг агрессив оқими: индивидуализм, истеъмомчилик, зўравонлик, “тезютар муваффақият”ни тарғиб қилувчи контент миллий кадриятларга зид кайфиятларни кучайтиради;

– формаллик ва нигилизм хавфи: “қонун бор, лекин унга амал қилинмайди”, “барибир ҳеч нарса ўзгармайди” деган қарашлар ҳуқуқий нигилизмга олиб келади.

Бу муаммоларни юмшатиш учун оила ва маҳалла даражасида:

- медиа ва рақамли саводхонлик бўйича маърифий ишларни йўлга қўйиш;
- болалар ва ёшлар учун интернетдан хавфсиз фойдаланиш қоидаларини ишлаб чиқиш ва уларни оилада муҳокама қилиш;
- миллий кадриятларни рақамли форматда (анимация, комикс, подкастлар, онлайн китобхонлик) тақдим этиш зарур.

Шу тариқа оила ва маҳалла нафақат анъанавий, балки рақамли тарбия маконига ҳам айланиши мумкин.

Оила ва маҳалла институтларида ҳуқуқий онг ва миллий кадриятлар уйғунлигини таъминлаш – ҳуқуқий демократик жамият қуришнинг энг муҳим маънавий-педагогик шартларидан биридир.

Мақолада олиб борилган таҳлиллар асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Ҳуқуқий онг фақат норматив билимлар мажмуи эмас, балки шахснинг миллий кадриятларга таянган ҳолда ҳуқуқий қарор қабул қилиши, ҳуқуқ ва бурчларни масъулият билан бажариши билан ифодаланади.

2. Оила ҳуқуқий онг ва миллий кадриятлар уйғунлигининг бирламчи макони бўлиб, унда қонунга ҳурмат, адолат, ҳалоллик, ҳурмат, меҳр-оқибат каби кадриятлар болалар учун табиий тарзда намоён бўлади.



3. Маҳалла эса ушбу қадриятлар ва ҳуқуқий маданиятни кенг ижтимоий маконда мустаҳкамловчи институт сифатида фаолият юритади. Унинг имкониятларидан ҳуқуқий профилактика, низоларни адолатли ҳал этиш, ҳуқуқий-маърифий тадбирлар орқали самарали фойдаланиш зарур.

4. Ҳуқуқий онг ва миллий қадриятлар уйғунлигини таъминлаш оила ва маҳалла ҳамкорлиги, ота-оналар билан тизимли ишлаш, ёшлар ташаббусларини қўллаб қувватлаш, рақамли муҳитдан мақсадли фойдаланиш каби механизмлар асосида амалга оширилганда юқори натижа беради.

5. Рақамли жамият шароитида ҳуқуқий нигилизм, маънавий бепарқлик ва формаллик хавфларини камайтириш учун медиа саводхонлик, интерактив ҳуқуқий-маънавий дастурлар, миллий қадриятларни замонавий коммуникатсион воситалар орқали тарғиб қилиш талаб этилади.

Шундай қилиб, оила ва маҳалла институтларининг мақсадли ҳамкорлиги, ҳуқуқий онг ва миллий қадриятлар уйғунлигини таъминлашга қаратилган комплекс ёндашув ҳуқуқий маданияти юксак, миллий ўзлигига содиқ ва глобал жараёнларга очиқ ёш авлодни тарбиялашнинг муҳим гаровидир.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Тўхтаев Ҳ. Ижтимоий фалсафа. – Тошкент: “Маърифат”, 2022.– 368 б.
2. Жўраев Р. Ҳуқуқий онг ва фуқаролик жамияти тамойиллари. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2021. – 256 б.
3. Қодиров Б. Оила ва маҳалла тарбиясида миллий қадриятлар. – Тошкент: “Илм Зиё”, 2020. – 220 б.
4. Зокирова Н. Ҳуқуқий тарбия педагогикаси. – Тошкент: “Фан ва технология”, 2019. – 210 б.